

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
“Ўзстандарт” агентлиги

Бош директори



А.А.Хайтов

2017 й.

“Ўзстандарт” агентлиги

Ижро назорати бўлими тўғрисида

НИЗОМИ

Тошкент 2017й.

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
“Ўзстандарт” агентлиги
Бош директори

А.А.Хайтов
“30” 05 2017 й.

Ижро назорати бўлими

НИЗОМИ

I. Умумий қоидалар

1.1. Ушбу Низом ижро назорати бўлими Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг марказий аппарати таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

1.2. Ижро назорати бўлими “Ўзстандарт” агентлиги Бош директорига ва директор ўринбосарига бўйсунади.

1.3. Ижро назорати бўлими фаолияти бўйича ўзининг хукуқ доирасида умумий бошқарув, мувофиқлаштириш ва назоратни амалга оширади, юқорида кўрсатилган соҳаларда иш олиб бориш умумий қоидаларини белгилайди.

1.4. Ижро назорати бўлими ўз фаолияти давомида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Қонунларига, “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари” тўғрисидаги қонунга, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига, “Ўзстандарт” агентлиги буйруқлари ва қарорларига ҳамда ушбу Низомга амал килган ҳолда иш юритади.

II. Асосий вазифалари ва функциялари

2.1. Куйидагилар Ижро назорати бўлимининг асосий вазифалари ҳисобланади:

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги 12-сонли “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 1999 йил 29 марта 140-сонли “Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида иш юритиш ва ижро назоратини ташкил этиш бўйича норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарорлари, “Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва хўжалик бирлашмалари, уларнинг таркибий ва худудий бўлинмаларида ҳужжатлар билан ишлашни ташкил этиш ҳамда ижро интизомининг ахволи мониторингини олиб бориш Тартибини тасдиқлаш тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 28 августдаги 11-10-сон топшириғига асосан назоратни ўрнатади.

- “Ўзстандарт” агентлигига келиб тушган Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Олий Мажлис қарор ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор, фармойиш ва топшириқлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор, фармойиш ва топшириқлари шунингдек, “Ўзстандарт” агентлиги қарорларининг бажарилиши устидан назорат қилиш, ҳисботлар юритиш ва доимий мониторингни амалга ошириш;

- “Ўзстандарт” агентлигига турли вазирлик ва ташкилотлардан келиб тушган хат, топшириқ ва мурожатномаларнинг белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши ва ўз вақтида жавоблар юборилишини назорат қилиш;

- Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини кўриб чиқилишини ва ўз вақтида жавоб хати юборилишини назорат қилиш ва хисботлар юритиш;

- “Ўзстандарт” агентлигининг Хайъат мажлиси баён ва қарорларини, кенгайтирилган мажлис баённомаларини тайёрлаш ҳамда ижроси юзасидан назорат қилиш ва раҳбариятга ахборот киритиш;

2.2. Ижро назорати бўлими ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуидаги функцияларни амалга оширади:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг хужжат ва топшириқларини самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек ижро интизоми мустаҳкамланиши учун Ўзбекистон Республикаси Президентини Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари ҳамда барча даражадаги хокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида”ги ПҚ-2881-сонли Қарори ижросини таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари ижроси юзасидан маълумотларни “Ўзстандарт” агентлиги бошқарма, бўлим, тизим ташкилотлари, худудий СМБ ва ССМлардан олиб умумлаштириб раҳбариятга ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига киритади.

- “Ўзстандарт” агентлиги фаолиятига оид маълумотларни умумлаштиради ва Вазирлар Маҳкамаси ва раҳбариятга киритиб боради.

- “Ўзстандарт” агентлигининг иш режалари ва чора-тадбирлар режаларини ишлаб чиқади ҳамда назорат қиласди.

- Техника воситалари, дастурий маҳсулотлар, моддий бойликлар ва инвентарнинг сақланишини назорат қилиш;

III. Ҳукуқлари ва жавобгарлиги

3.1. Ижро назорати бўлими ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуидаги ҳукуқларга эга:

- Ижро назорати масалаларини ҳал этиш учун тизим ташкилотлари ҳамда худудий СМБ ва ССМлар мутахассисларини белгиланган тартибда жалб этиш;

- “Ўзстандарт” агентлигининг барча бошқарма, бўлим, тизим ташкилотлари ҳамда худудий СМБ ва ССМлардан керакли маълумотларни қаршиликсиз олиш;

- Назоратда булган ҳужжатларни ўз вақтида бажарилишини масъул ходимлар (бош директор ўринбосари, бошқарма, бўлим бошликлари, худудий бошқарма ва марказ раҳбарлари)га эслатиб туриш ва назорат қилиш;

- Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Олий Мажлис қарор ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор, фармойиш ва топшириқлари шунингдек, “Ўзстандарт” агентлиги қарорларининг бажарилиши бўйича талаб қилинган хужжат ҳамда маълумотларни ўз вақтида, тўлиқ ёки умуман тақдим этмаган ёки камчиликларга йўл қўйган “Ўзстандарт” агентлиги бошқарма, бўлим, тизим ташкилотлари ҳамда худудий СМБ ва ССМлар раҳбарларига ва ходимларига нисбатан чора кўриш бўйича таклифлар киритиш;

- “Ўзстандарт” агентлиги бошқарма, бўлим, тизим ташкилотлари ҳамда худудий СМБ ва ССМлар фаолиятини ўз ваколати доирасида назорат қилиш;
- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган бошқа вазифаларни амалга ошириш.

IV. Жавобгарлиги

“Ўзстандарт” агентлигига келиб тушган Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Олий Мажлис қарор ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор, фармойиш ва топшириқлари шунингдек, “Ўзстандарт” агентлиги қарорларининг бажарилиши устидан назорат қилиш ва хисоботларни белгиланган муддатларада киритилиши учун жавобгардир.

Бўлим бошлиғи ва унинг барча ходимлари ушбу Низомда кўзда тутилган функцияларнинг ўз вақтида бажарилиши учун, тақдим этаётган ва умумлаштирган маълумотномаларининг тўғрилиги учун, режа, топшириқлар, ички тартиб қоидалари бажарилиши, меҳнат, ишлаб чиқариш интизоми, меҳнат муҳофазаси, техника, ишлаб чиқариш, ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишга жавобгар ҳисобланади.

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
“Ўзстандарт” агентлиги
Бош директори

2017 й. “30” 03 А.Хайтов



“Ўзстандарт” агентлиги ижро назорати бўлими етакчи мутахассисининг

ЛАВОЗИМ ЙЎРИҚНОМАСИ

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

Мазкур йўриқнома “Ўзстандарт” агентлиги ижро назорати бўлими етакчи мутахассиси (кейинги ўринларда ижро назорати бўйича етакчи мутахассис деб аталади) асосий вазифалари, мажбуриятлари, хукуқлари ва жавобгарлигини белгилаб беради:

1.1 Ижро назорати бўйича етакчи мутахассис ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги 12-сонли “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 1999 йил 29 мартағи 140-сонли “Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида иш юритиш ва ижро назоратини ташкил этиш бўйича норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарорлари, “Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва хўжалик бирлашмалари, уларнинг таркибий ва худудий бўлинмаларида ҳужжатлар билан ишлашни ташкил этиш ҳамда ижро интизомининг аҳволи мониторингини олиб бориши Тартибини тасдиқлаш тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 28 августдаги 11-10-сон топшириғига ва ушбу лавозим йўриқномасига асосланган ҳолда иш фаолиятини амалга оширади.

1.2 Ижро назорати бўйича етакчи мутахассис лавозимиға олий маълумотли ва “Ўзстандарт” агентлиги тизимида ёки давлат ва хўжалик бошқарув органларида 2 йилдан кам бўлмаган иш стажига эга мутахассис тайинланади ҳамда “Ўзстандарт” агентлиги раҳбари томонидан лавозимга тайинланади ва озод қилинади.

1.3 “Ўзстандарт” агентлиги Бош директори, Бош директор ўринбосари ва бўлим бошлиғига бўйсунади.

II. ИЖРО НАЗОРАТИ БЎЙИЧА ЕТАКЧИ МУТАХАССИСНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

2.1 “Ўзстандарт” агентлигига келиб тушган Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари, шунингдек ўз қарорларининг бажарилиши юзасидан ҳисоботлар тайёрлайди.

2.2 “Ўзстандарт” агентлиги бош директори ва унинг ўринбосари томонидан “Ўзстандарт” агентлиги аппарати бошқарма ва бўлимлари, худудий бўлинмаларига топширилган топшириқ ва вазифалар ижроси юзасидан таҳлилий маълумотларни умумлаштиради.

2.3 “Ўзстандарт” агентлиги ҳафталик мажлис баённомасида кўрсатилган топшириқларни бажарилиши юзасидан маълумотларни йиғади ва таҳлил қиласди.

2.4 “Ўзстандарт” агентлигига келган хат, топшириқ ва мурожаатларни белгиланган тартибда ва муддатларда бажарилиши юзасидан эслатмалар беради ва ижросини назорат қилиб боради.

2.5. "Ўзстандарт" агентлигига келиб тушган Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишларини электрон тизимга киритилишини назорат қилади ва уларга 1а ва 2а назорат карточкаларини юритади.

III. ИЖРО НАЗОРАТИ БҮЙИЧА ЕТАКЧИ МУТАХАССИСНИНГ ФУНКЦИЯЛАРИ.

3.1 "Ўзстандарт" агентлигига келиб тушган ҳужжатларни рўйхатдан ўтказилишини, ҳисобга олинишини ва уларнинг бажарилишини тизимли назорат қилиш.

3.2 "Ўзстандарт" агентлиги тизимида киравчи бўлинмалар раҳбарлари томонидан келган хатларга аниқ мақсадга йўналтирилган топшириқ қўйилишини назорат қилиш.

3.3 "Ўзстандарт" агентлиги тизимида қарорларни қабул қилишни, уларни ҳудудий бошқарув органларига, жойлардаги ижро чиларга тезкорлик билан етказилишини назорат қилиш.

3.4 Назорат карточкалари асосида назоратдаги ҳужжатлар ва ҳар бир назоратдаги бандни қатъий ҳисобга олиб боришни таъминлаш, таркибий бўлинмаларда назоратдаги топшириқларнинг бажарилиши ҳолатини таҳлил қилиш ва уларнинг ижроси юзасидан доимий асосида мониторинг олиб бориш.

3.5 Тизим ташкилотларидан ҳисботларни йиғиш ва таҳлилини олиб бориш.

IV. ИЖРО НАЗОРАТИ БҮЙИЧА ЕТАКЧИ МУТАХАССИСНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

Ижро назорати бўйича етакчи мутахассисга ўз олдида турган масалаларни ҳал қилиши учун қуидаги ҳуқуқлар берилади:

4.1 Ўз вазифаларини бажариш учун "Ўзстандарт" агентлигининг барча бўлинмалари, марказлар, ҳудудий бошқарма ва марказлардан керакли маълумотларни олиш;

4.2. Назоратда бўлган ҳужжатларни ўз вақтида бажарилишини масъул ходимлар (бошқарма бошлиқлари, бўлим бошлиқлари, ҳудудий бошқарма ва марказ раҳбарлари)га эслатиб туриш;

4.3 "Ўзстандарт" агентлиги тизимида барча бўлинмалар, ҳудудий бошқарма ва марказлар томонидан берилган топшириқларни бир неча бор ўз вақтида бажармаганлиги учун "Ўзстандарт" агентлиги Ҳайъат йиғилишларига кўриб чиқиш учун тақдимот тайёрлаш.

V. ИЖРО НАЗОРАТИ БҮЙИЧА ЕТАКЧИ МУТАХАССИСИННИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

5.1 Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Вазирлар Маҳкамасининг қарор, фармойишлари, "Ўзстандарт" агентлиги Бош директори буйруқ ва топшириқларини бажарилишини белгиланган муддатларда назоратини олиб бориш ва ҳисботларини тайёрлаш.

5.2. Юклangan вазифаларни, режали топшириқларни ўз вақтида бажаришга, ички тартиб қоидаларига, меҳнат, ишлаб чиқариш интизомига амал қилиш. Техника ҳавфсизлиги, ишлаб чиқариш, санитария, биринтирилган хоналарда ёнғинга қарши ҳавфсизлигига риоя этилмаганлиги учун жавобгар ҳисобланади.

Йўриқнома билан танишдим:

С.А.Гулямов

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
“Ўзстандарт” агентлиги
Бош директори



“Ўзстандарт” агентлиги ижро назорати бўлими бошлигининг

ЛАВОЗИМ ЙЎРИҚНОМАСИ

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

Мазкур йўриқнома “Ўзстандарт” агентлиги ижро назорати бўлими бошлигининг (кейинги ўринларда бўлим бошлиғи деб аталади) асосий вазифалари, мажбуриятлари, ҳукуқлари ва жавобгарлигини белгилаб беради:

1.1 Бўлим бошлиғи ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 январдаги 12-сонли “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чоратадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 1999 йил 29 марта 140-сонли “Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида иш юритиш ва ижро назоратини ташкил этиш бўйича норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида”ги Қарорлари, “Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва хўжалик бирлашмалари, уларнинг таркибий ва худудий бўлинмаларида ҳужжатлар билан ишлашни ташкил этиш ҳамда ижро интизомининг аҳволи мониторингини олиб бориш Тартибини тасдиқлаш тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 28 августдаги 11-10-сон топшириғига ва ушбу лавозим йўриқномасига асосланган ҳолда иш фаолиятини амалга оширади.

1.2 Бўлим бошлиғи лавозимига олий маълумотли ва “Ўзстандарт” агентлиги тизимида ёки давлат ва хўжалик бошқарув органларида З йилдан кам бўлмаган иш стажига эга мутахассис тайинланади ҳамда “Ўзстандарт” агентлиги раҳбари томонидан лавозимга тайинланади ва озод қилинади.

1.3 Бўлим бошлиғи “Ўзстандарт” агентлиги Бош директори, Бош директор ўринbosарига бўйсунади.

II. ИЖРО НАЗОРАТИ БЎЛИМИ БОШЛИГИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

2.1 “Ўзстандарт” агентлигига келиб тушган Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари, шунингдек ўз қарорларининг бажарилиши юзасидан ҳисоботлар тайёрлайди.

2.2 “Ўзстандарт” агентлиги бош директори ва унинг ўринbosарлари томонидан “Ўзстандарт” агентлиги аппарати бошқарма ва бўлимлари, худудий бўлинмаларига топширилган топшириқ ва вазифалар ижроси юзасидан назорат олиб боради.

2.3 “Ўзстандарт” агентлиги ҳафталик мажлис баённомасида кўрсатилган топшириқларни бажарилиши юзасидан назорат олиб боради.

2.4 “Ўзстандарт” агентлигига келиб тушган хат, топшириқ ва мурожаатларни белгилangan тартибда ва муддатларда бажарилиши юзасидан назорат олиб боради.

2.5. “Ўзстандарт” агентлигига келиб тушган Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишларини

электрон тизимга киритилишини назорат қиласи 1а ва 2а назорат карточкаларини юритади.

III. ИЖРО НАЗОРАТИ БҮЛИМИ БОШЛИГИНИНГ ФУНКЦИЯЛАРИ.

3.1 "Ўзстандарт" агентлигига келиб тушган ҳужжатларни рўйхатдан утказилишини, ҳисобга олинишини ва уларнинг бажарилишини тизимли назорат қилиш.

3.2 "Ўзстандарт" агентлиги тизимида кирувчи бўлинмалар раҳбарлари томонидан келган хатларга аниқ мақсадга йўналтирилган топшириқ қўйилишини назорат қилиш.

3.3 "Ўзстандарт" агентлиги тизимида ўз қарорларини қабул қилишни, уларни ҳудудий бошқарув органларига, жойлардаги аниқ ижрочиларга тезкорлик билан етказилиши ва ижроси таъминланишини назорат қилиш.

3.4 Назорат карточкалари асосида назоратдаги ҳужжатлар ва ҳар бир назоратдаги бандни қатъий ҳисобга олиб боришни таъминлаш, таркибий бўлинмаларда назоратдаги топшириқларнинг бажарилиши ҳолатини таҳлил қилиш ва уларнинг ижроси юзасидан доимий асосида мониторинг олиб бориш.

IV. ИЖРО НАЗОРАТИ БҮЛИМИ БОШЛИГИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

Ижро назорати бўлими бошлиғига ўз олдида турган масалаларни ҳал қилиши учун қўйидаги ҳуқуқлар берилади:

4.1 Ўз вазифаларини бажариш учун "Ўзстандарт" агентлигининг барча бўлинмалари, марказлар, ҳудудий бошқарма ва марказлардан керакли маълумотларни олиш;

4.2. Назоратда бўлган ҳужжатларни ўз вақтида бажарилишини масъул ходимлар (бosh директор ўринбосарлари, бошқарма бошлиқлари, бўлим бошлиқлари, ҳудудий бошқарма ва марказ раҳбарлари)га эслатиб туриш;

4.3 Ижро назорати бўлими томонидан талаб қилинган ҳужжат ҳамда маълумотларни ўз вақтида, тўлиқ ёки умуман тақдим этмаган "Ўзстандарт" агентлиги бошқарма, бўлим, марказ, ҳудудий бошқарма ва марказлар раҳбарлари ҳамда масъул ходимлари ҳақида маълумотни "Ўзстандарт" агентлиги раҳбариятига тақдим этиш;

4.4 "Ўзстандарт" агентлигининг Ҳайъат йиғилишларида, мажлисларида ва бошқа тадбирларида қатнашиш;

4.5 "Ўзстандарт" агентлиги тизимида барча бўлинмалар, ҳудудий бошқарма ва марказлар томонидан берилган топшириқларни бир неча бор ўз вақтида бажармаганлиги учун "Ўзстандарт" агентлиги Ҳайъат йиғилишларига кўриб чиқиш учун тақдимот киритиши.

V. ИЖРО НАЗОРАТИ БҮЛИМИ БОШЛИГИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

5.1 Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Вазирлар Маҳкамасининг қарор, фармойишлари, "Ўзстандарт" агентлиги Бош директори буйруқ ва топшириқларини бажарилишини белгиланган муддатларда назоратини олиб боришга.

5.2. Юкланган вазифаларни, режали топшириқларни ўз вақтида бажаришга, ички тартиб қоидаларига, меҳнат, ишлаб чиқариш интизомига амал қилишга, техника ҳавфсизлиги, ишлаб чиқариш, санитария, биринтирилган хоналарда ёнғинга қарши ҳавфсизликка риоя этилмаганлиги учун жавобгар ҳисобланади.

Йўриқнома билан танишдим:

А.Х.Ҳамдамов